# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ ЎРНИ

**Б.М.Қандов**

*Ушбу мақолада глобаллашув позитив воқелик сифатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бериши, салбий, зиддиятли ҳодиса сифатида эса миллий ҳуқуқий тизимларни глобал ўзгаришларга мувофиқ келадиган нормалар, қонунлар билан бойитишни тақозо қилаётгани ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *глобаллашув, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, глобал фуқаролик жамияти, ҳуқуқ, миллий ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий маданият, демократик ҳуқуқий давлат, имплементация.*

*В данной статье глобализация рассматривается как позитивное явление в возможности полной реализации человеческих прав и свобод, и как негативное, противоречивое явление, выражающееся в обогащении национально-правовых систем нормами, законами, соответствующими глобальным изменениям.*

***Ключевые слова:*** *глобализация, права человека, международное право, международное правовое сотрудничество, глобальное открытое общество, право, национально-правовая система, правовая культура, демократическое правовое государство, имплементация.*

*In this article globalization is dealt with as a positive phenomenon in the process of providing the complete realization of human rights and freedom, and it is expressed as a negative phenomena in enrichment of national and legal system with norms, laws, and appropriate global changes.*

***Key words:*** *globalization, human rights, international law, international global cooperation, global open society, right, national-legal system, legal culture, democratic legal state.*

Глобаллашув жараёнлари умуминсоний ҳуқуқий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ воқеликлар бўлса-да, улар миллий ҳуқуқни инкор этмайди, балки миллий ҳуқуқий тизимлар орқали ўз мақсадларига эришади, реал борликда объективлашади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, глобаллашув жараёнларида миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўрнини ўрганиш муаммони аниқ миллий муҳит, унда амал қиладиган ҳуқуқий қадриятлар билан боғлиқ тарзда қарашни тақозо этади.

Глобаллашув ва миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасида моҳиятан уйғунлик мавжуддир. Ушбу уйғунлик глобаллашув жараёнлари ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг инсоният ва тараққиёт манфаатларидан келиб чиққанидадир. Глобаллашув жараёнларининг умумсайёравий, умуминсоний манфаатлар ифодаси сифатида келиши ўз-ўзидан маълум, у эътироз уйғотмайди, аммо миллий ҳуқуқий тизимлар ҳар доим ҳам умуминсоний талабларга айнан бўлавермайди. Бу тақдирда уни “миллий” деб аташга ҳожат қолмасди. Хўш, миллий ҳуқуқий тизимнинг қайси жиҳатлари ва механизмларига асосланиб уни инсоният ва тараққиёт манфаатларидан келиб чиқади деймиз?

*Биринчидан,* миллий ҳуқуқий тизимлар умуминсоний ҳуқуқий нормалар каби зўравонликни, адолатсизликни минимал даражада камайтиришга хизмат қилади. Ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти жамиятда зўравонликнинг, адолатсизликнинг авж олмаслигини, балки, аксинча, уларни минимал даражага туширишга қаратилгандир.

*Иккинчидан,* глобаллашув ҳам, миллий ҳуқуқий тизимлар ҳам инсондаги, жамиятдаги яратувчанликни, кишиларнинг, халқларнинг бу борадаги ташаббусларини, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Улар ижодий фаолиятни, жамиятни тенг ҳуқуқлилик асосида модернизациялашни қўллаб-қувватлаш орқали умуминсоний қадриятларни, бойликларни шакллантирадилар.

*Учинчидан,* ҳеч бир миллий ҳуқуқ “ўзи ўзи учун” мавжуд ёки мутлақ қуруқ жойда пайдо бўлган эмас. Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим бошқа ҳуқуқ тизимларидан у ёки бу ғояни, у ёки бу нормани қабул қилиб олган. Ушбу ҳамкорлик, яқинлик келгуси ҳамкорлик, яқинлик учун ўзига хос “плацдарм” вазифасини ўтайди. Натижада ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимда умуминсоний (халқаро) ҳуқуқий қадриятлар томон кенгайиш, ривожланиш имкони мавжуд бўлади. Ижтимоий-ҳуқуқий маконнинг ривожланиши билан эса миллий ҳуқуқий нормалар кенгайиб халқаро ҳуқуқ нормаларига яқинлашади ёки айнанлашади.

*Тўртинчидан,* ҳуқуқ жамият ва давлатни бошқариш, кишилараро муносабатларни йўлга қўйиш механизмидир. Ҳуқуқ ушбу муносабатлардан, уларнинг талабларидан ўсиб чиқади. Глобаллашув эса ушбу муносабатларнинг умумсайёравий миқёсда намоён бўлишидир. Демак, глобаллашув жараёнлари, умумсайёравий манфаатлар, халқлараро ва давлатлараро интеграция эҳтиёжлари ҳуқуқнинг ижтимоий борликдаги ўрнини белгилаб беради. Тўғрироғи эса, ҳуқуқ глобаллашув манфаатларига хизмат қилади.

*Бешинчидан,* глобаллашув ҳам, миллий ҳуқуқий тизимлар ҳам гуманистик қадриятларни асрашга, кўпайтиришга, ҳимоя қилишга қаратилгандир. Глобаллашув ушбу гуманистик қадриятларнинг тезроқ умумсайёравий миқёсда қарор топишининг тарафдоридир, миллий ҳуқуқий тизимлар эса уларнинг аниқ миллий-маданий муҳитда, локал ҳудудда қарор топишига хизмат қилади. Лекин глобал билан локал моҳиятан яқин воқеликлар сифатида ҳаракат қилади.

«Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини, - деб ёзади юридик фанлари доктори, профессор А.Саидов, - бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрганиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий “учбурчак” умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Унда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро таъсирда бўлади, тўқнашади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Бундай алоқаларда қонуний ва барқарорлик, қарама-қаршилик ва тасодифийлик бор. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади» [1.387].

Биз ушбу мавзуда А.Саидов қайд этган “қонунийлик ва барқарорлик” ҳақида фикр юритамиз, “қарама қаршилик ва тасодифийлик” бизнинг тадқиқот мақсадимизга кирмайди, уларни ўрганиш ҳуқуқшунослиқнинг вазифасидир.

«Миллий ҳуқуқий тизим муайян давлатнинг ички ҳуқуқи бўлган, давлат тарихи, иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғлиқ, ўз ичига ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва юридик фанни қамраб олувчи, ўзига хос амал қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳамда доимий ривожланишда бўлган ижтимоий-ҳуқуқий воқеликдир» [2.10]. Олимлар миллий ҳуқуқий тизимга, *биринчидан*, юридик нормалар, принциплар ва институтлар (норматив томони); *иккинчидан*, ҳуқуқий ташкилотлар йиғиндиси, юридик амалиёт (ташкилий томони); *учинчидан*, муайян жамиятга хос бўлган ҳуқуқий қарашлар, ғоялар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкуранинг йиғиндисини киритадилар [3.251-252]. Мазкур таъ-

рифларда халқаро ҳуқуқ тилга олинмайди. Бу миллий ҳуқуқий тизимларнинг халқаро ҳуқуққа алоқаси, дахли йўқ деган фикрга олиб келмайди, балки халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга оид устувор аҳамиятга эга қисми сифатида трансформацияга учраб, миллий ҳуқуқий бойликка, нормаларга айлангани демакдир. Демак, миллий-ҳуқуқий тизимга маълум бир давлат ҳудудида шаклланган ва амал қилинадиган юридик нормалар, институтлар ва ғоялар мажмуаси киради.

Ўзбек миллий ҳуқуқий тизими роман-олмон ҳуқуқий оиласига киради. Бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида қуйидаги белгиларда намоён бўлади:

**1**. Ўзбекистонда барча юридик нормалар, қонунлар кодификациялаштирилган. Ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлган қонунчилик давлат олий органлари, махсус ташкилотлар ва институтлар томонидан қабул қилинувчи норматив-ҳуқуқий актлардир. Роман-олмон ҳуқуқ тизими бугун Ғарбий Европа қитъаси, Марказий ва Жанубий Америка, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд, Осиёнинг кўпгина давлатларида, Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ, Скандинавия, Болтиқ бўйи ва МДҲ давлатларида тарқалгани боис глобал воқеликка айланган. “Ўзбек миллий ҳуқуқий тизими эса, аввало, унинг минтақавий ва роман-олмон ҳуқуқий оиласига мансублиги билан таърифланади. Муайян шаклга солинган ва етарли даражада мавҳумлаштирилган қонунчилик нормаси бу ўринда бошқа ҳуқуқ манбаларидан устун туради ва уларни бутунлай эгаллаш эҳтимоли бор. Бироқ, Ўзбекистон ва Европа минтақаси мамлакатларининг ҳуқуқ манбалари тизими қанчалик бир-бирига яқин бўлмасин, улар бир қатор жиҳатлари билан фарқланишлари табиий” [1.373].

**2**. Юридик нормаларнинг, ҳуқуқ манбаларининг ўзаги ва уларни бир-бирига боғловчи иерархияси мавжуд. Масалан, ўзбек миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзагини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Шунинг учун миллий ҳуқуқий тизимнинг конституциявий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: Конституция, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини ўз ичига олади; юридик кучга эга барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига боғлиқ ва улар ўртасида иерархик боғлиқлик ўрнатилган; ички ижтимоий-норматив ва ҳуқуқий тизимларда Конституция, қонунлар устуворлиги таъминланган; турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган юридик коллизияларни ҳал этишнинг келишув комиссияси тузиш, Конституциявий судга мурожаат қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш механизмлари кўрсатилган; халқаро ҳуқуқнинг жаҳон эътироф этган қоидалари, нормалари, принциплари миллий қонунлардан устунлиги тан олинган [2.17]. Кўриниб турибдики, миллий ҳуқуқий тизим ташқи (халқаро) ва ички (миллий) ҳуқуқий-норматив меъёрлар, қонунлар нуқтаи назаридан ҳам шаклланган тизимдир.

Глобаллашув жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг жаҳон эътироф этган меъёрларини, нормаларини юридик ҳужжатларда қайд этишдангина иборат эмас, балки маълум бир халқаро ҳужжатларни реал ҳаётга татбиқ қилиш, объективлаштириш натижасидир. Аслида инсон ҳуқуқларининг глобал воқелик сифатида келиши Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ тўғрисидаги Халқаро Пакт каби ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг барча давлатлар томонидан тан олиниши билан боғлиқдир.

**3**. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон эркинлигининг асосий жабҳалари ҳисобланади, ушбу эркинликларнинг давлат идоралари ва бошқа субъектлар томонидан бузилишига йўл қўйилмайди. Ушбу ҳуқуқлар субъектив характерга эга бўлиб, улар шахслар томонидан мустақил амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобига кўра, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга инсоннинг яшаш ҳуқуқи (24-модда), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда), айбсизлик презумпцияси (26-модда), шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи (28-модда), фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги (29-модда), фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан танишиш (30-модда) ва виждон эркинлиги ҳуқуқи (31-модда) киради. Ушбу ҳуқуқлар миллий ҳуқуқий тизимдан кенг, фуқароларнинг қайси давлатга тааллуқли эканига боғлиқ эмас, улар моҳиятан халқаро (глобал) аҳамиятга эга нормалар, меъёрлар ҳисобланади. Маълумки, инсон дахлсиз ҳуқуқларга туғилганиданоқ эга бўлади, уларни тақиқлашга ёки бузишга халқаро ҳуқуқда ҳам, миллий ҳуқуқий тизимларда ҳам йўл қўйилмайди. Миллий ҳуқуқий тизимларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши миллий ҳуқуқий тизимларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари глобал, умумсайёравий воқелик касб этганини, барча ҳуқуқий тизимлар уларни таъминлаши ва кафолатлаши билан умумсайёравий ижтимоий-ҳуқуқий макон яратилишига хизмат қилаётгани маълум бўлади. Бу ўринда гап глобал-

лашув позитив воқелик сифатида миллий ҳуқуқий тизимларни умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар билан уйғунлашишига ундаётгани кўзга ташланади. Агар дунёда глобал фуқаролик жамияти ташкил топса [4.54], миллий ҳуқуқий нормаларнинг унификациялашуви рўй беради. Лекин бу жараёнлар яқин ўн йилликларда, ҳатто яқин бир-икки аср ичида ҳам содир бўлиши қийин.

**4**. Ўзбек миллий ҳуқуқий тизимида инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари энг муҳим ҳуқуқий қадриятлар сифатида қаралади ва унинг демократик тараққиёт кўрсаткичи, мезони экани қайд этилади. Сиёсат ва ҳуқуқ ҳар хил воқеликлар бўлса-да, улар моҳиятан яқиндир. “Зеро, ҳуқуқ жамият ҳаёти негизлари, ижтимоий тузум ва тартибни қонунда мустаҳкамлайди; сиёсат эса, ўз навбатида, ҳуқуқни ривожлантиради ва уни мустаҳкамлаш воситаларидан бири ҳисобланади” [5.104]. Шунинг учун миллий ҳуқуқий тизимларда ҳам, халқаро ҳуқуқий нормаларда, ҳужжатларда ҳам “сиёсий ҳуқуқ” тушунчаси ишлатилади.

“Инсон сиёсий ҳуқуқларининг объектив моҳияти уларнинг айрим ёки бир гуруҳ кишиларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаганлиги билан белгиланади. Сиёсий ҳуқуқлар ҳам инсоннинг бошқа ҳуқуқлари сингари бирон-бир сиёсий куч томонидан жамиятга ташқаридан киритилган ёки жорий этилган меъёрлар йиғиндиси эмас.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари умумий моҳиятга эга бўлган тартиб-қоидалар йиғиндисидир. Бунинг маъноси шуки, сиёсий ҳуқуқлар алоҳида миллат ёки халққа, у ёки бу иррққа мансуб бўлмай, бу ҳуқуқлар жаҳондаги барча миллатлар ва халқларга, турли иррққа мансуб кишиларга дахлдордир” [6.112]. Кишиларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда, намойиш ва митингларда, сайловларда қатнашиши, турли партиялар ва нодавлат жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши сиёсий ҳуқуққа дахлдор воқеалардир. Ушбу сиёсий ҳуқуққа, уни реал ҳаётда рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратилганига қараб мамлакатда демократик қадриятларнинг қарор топгани ҳақида фикр билдирилади.

Демократиянинг энг муҳим принципи – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим [7.380].

**5.** Миллий ҳуқуқий тизимларда инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига муҳим аҳамият берилади, чунки айнан ушбу меъёрлар, нормалар шахснинг жамиятдаги мавқеини, унинг инсон сифатида ўзини намоён этишини тўла ифода этади. Глобаллашув ҳам ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қамраб олган бўлиб, давлатлараро, халқлараро ва маданиятлараро алоқаларга умумсайёравий моҳият, кўлам бахш этмоқда.

Ўзбек миллий ҳуқуқий тизими бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг мавқеини, ролини ошириш, уни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни рационал бошқаришдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. «Кучли давлат» концепцияси давлатни тоталитар бошқариш институтига айлантиришни эмас, балки бутун ислоҳотларга бош-қош бўлишини назарда тутади. Чунки И.А.Каримов уқтирганидек: «Айни замонда агар кучли ижро ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади» [8.51].

Юқоридаги мисоллар кўрсатадики, инсон ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бири ҳисобланади, уларни ҳал этиш умуминсоний тараққиётнинг шартидир. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлардаги меъёрларни ўзини ифода этади ва, шу билан бирга, улар халқимизнинг манфаатларига, жамиятни инсонпарварлаштириш ғояларига мос келувчи меъёрлар, нормалар билан тўлдирилган. Энг муҳими, ўзбек миллий ҳуқуқий тизими умумсайёравий аҳамият касб этаётган демократик тамойиллардан келиб чиқади, ушбу тамойилларни иложи борича тўла ўзида акс эттиришга интилиб, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар кўламида рўёбга чиқаришни назарда тутади. «Ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, халқаро талабларга риоя этишга тайёрдир» [8.51]. Бу эса Республикамизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ глобал муаммоларни ҳал этиш, бу борада жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканидан далолат беради. Глобаллашув жараёнининг инсон ҳуқуқлари билан узвий боғлиқлиги масаласининг таҳлили ҳуқуқ фалсафасининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий ўрганилиши муайян амалий ва илмий-назарий аҳамиятга эга.

**Адабиётлар:**

1. Саидов А. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. – Т.: Адолат, 2004. – 428 б.
2. Ҳайитбоев Ф.П. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланиши. Юридик фанлари номзоди… диссертацияси автореферати. – Т., 2004. – 45 б.
3. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. – М.: Норма, 2001. – 776 с.
4. Турсунов А. Глобаллашув жараёнида хавфсизликни таъминлаш // Жамият ва бошқарув.-2005.-№ 3.– 54 б.
5. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият: назарий-қиёсий тадқиқот. – Т., 2004. – 262 б.
6. Бобоев Ҳ.Б. Инсон ҳуқуқлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 260 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 414 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

*Тошкент ирригация ва мелиорация институти,*
*2015 йил 15 августда қабул қилинган*
*(Тақризчи: ф.ф.н. Г.Гаффарова)*